

# Ishonch

2019 йил 28 май • сешанба • № 66 (4195)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ТАДБИРКОР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбиркорликни ривожлантириш — мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Кейинги йилларда бизнес муҳитини яхшилаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича фармон ва қарорлар қабул қилинди. Рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишлар қисқартирилди. «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари тадбиркорлик истагидогиларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Натижада янги ташкил этилган субъектлар сони 2,3 бараварга кўпайгани бунинг тасдиғидир.

Бироқ жойларда бюрократия, таъмагирлик ва тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чорадаги Президент Халқ қабулхоналарига тадбиркорлардан 16 мингта мурожаат тушган. Улар асосан ер ажратиш, газ, электр ва сув таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, кредит, солиқ масала-

ларига тааллуқли. Икки мингга яқин мурожаатда мансabdорларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик билдирилган.

Бу муаммоларни тизимли ҳал этиш, тадбиркорларга чинакам кўмак бериш мақсадида жорий йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиши белгиланди.

Йиғилишда мазкур қабулхоналар фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Президентимиз адлия вазири ва Савдо-саноат палатаси раиси раҳбарлигида Республика ишчи гуруҳи тузиб, жойларда тадбиркорлар билан очиқ, амалий учрашувлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Аниқланган муаммоларнинг ҳудудга тааллуқлиси вилоят ҳокими, республика аҳамиятига молик бўл-

гани эса Бош вазирга берилиши, улар ҳафтада бир кун қабулхона масалалари билан шуғулланиши кўрсатиб ўтилди.

Қайд этилганидек, қабулхоналар иши уч босқичда олиб борилади. Аввало, қабулхонада тасдиқланган кунлик жадвал асосида ҳокимликлар, Савдо-саноат палатаси, инвестиция бошқармаси, прокуратура, адлия, солиқ органлари, қурилиш, кадастр, банк ва бошқа ташкилотлар вакиллари тадбиркорларни қабул қилади.

Ўз ечимини топмаган мурожаатлар вилоят қабулхоналарига юборилади. Натижа бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасининг котибиятида Бизнес омбудсман, Савдо-саноат палатаси ва ваколатли идоралар иштирокида кўрилади.

Мурожаатлар шунда ҳам ўз ечимини топмаса, тадбиркорларни Бош вазирнинг шахсан ўзи қабул қилади. Бош вазир қабулхонаси мурожаатларни таҳлил қилиб, бу борада вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Президент Администрацияси ва Олий Мажлисга тадбиркорларга шароитларни янада яхшилаш бўйича таклифлар кирилади.

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш Бош вазир қабулхоналарининг асосий вазифаларидан бири бўлади. Шу боис

уларга хорижий тилларни биладиган ва инвесторлар билан ишлаш салоҳиятига эга кадрлар ишга олинади.

Инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни мониторинг қилиш, инвесторларнинг турли идоралардаги муаммосини ҳал қилиб бериш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда секторлар ва давлат идоралари раҳбарлари тадбиркорларга ҳар томонлама кўмаклашиши, халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида уларнинг бу борадаги фаолияти муҳокама қилиниши зарурлиги таъкидланди.

Мурожаатларни кўриб чиқишда шаффоқлик ва тезкорликни таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мурожаатлар ҳаракатини назорат қилишнинг ягона электрон порталини жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Янги тизимнинг мазмуни ва моҳиятини тадбиркорларга етказиш, жумладан, қабулхоналар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш бўйича ҳам тавсиялар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

## ГФР ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Франк-Вальтер Штайнмайер шу куни ўзи учун ажратилган қароргоҳда мамлакатимизда фаолият юритаётган Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD) каби институтлар вакиллари билан учрашди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 28 майга мўлжалланган.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини, шунингдек, Ўзбекистон — Европа Иттифоқи формати доирасидаги алоқаларни муҳокама қилдилар.

Мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиш кўзда тутилган.

Музокаралар якуни бўйича иқтисодиёт, молия, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Ташриф асносида Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистон ва ГФРнинг етакчи компания ва банклари, юртимиздаги фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашди, қатор саноат корхоналари ва маданий муассасалар билан таълимни режалаштирилган.

Германия Президенти Хоразм вилоятида бўлиб, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Хива шаҳридаги осори атиқа ва маданий-меъморий обидаларни томоша қиладди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИГА!

«Қарсак чалаверсанглар,  
ура-ура қилаверсанглар,  
бизнинг ҳам оёғимиз ердан  
узилса, кейин одамлар кимга  
ишонади.»

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

СУВГА  
ОТИЛГАН ТОШ  
ёхуд эътиборсиз  
қолаётган мурожаатлар  
хусусида

Жамият тараққиётида матбуотнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида узоқ мулоҳаза юритиш мумкин. Уларнинг ичида энг муҳими, шубҳасиз, матбуотнинг жамоатчилик фикрини шакллантирувчи кучидир. Чунки бирор-бир муаммо ёки таклиф айнан жамоатчилик фикри сифатида мутасаддилар эътиборига етказилади. Жисмоний шахснинг мурожаати орқали бор-йўғи биттагина муаммо ечим топса, матбуот ўн, юзлаб кишилар, аксар ҳолларда эса бутун жамиятга дахлдор масалаларни кун тартибига кўтариб чиқади. Мисол учун, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш ёки халқ таълими тизимидаги камчиликлар минглаб одамларнинг тақдири, муаммоси билан боғлиқ.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳақида гап кетганда «журналистлар журъдасиз, ҳоқайд, уларда дадиллик етишмайди» қабилидаги маломат-у иддаолар тез-тез тилга олинади. Бу фикрлар энди-энди шу соҳанинг мутахасссларига оғир бота бошлади. Чунки кейинги пайтда матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолияти жонлангани, улар ўртасида ҳам соғлом рақобат муҳити қарор топаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ислохотлар йўлига тўғаноқ бўлаётган, одамларни қийнаётган масалалар очиқ-ошкора ёритилиб, муаммоларга ечим изланмоқда. Хусусан, газетамиз саҳифаларида ҳам йил бошидан буён кўплаб танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этилди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бирида халқни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликлар очиқ берилган, таҳлил қилинган, баъзи ўринларда жўяли таклифлар ўртага ташланган.

3»



Этьироф  
Шу йилнинг  
14-25 май кун-  
лари Франция-  
да бўлиб ўтган  
72-халқаро Канн  
кинофестивали  
ўз ниҳоясига етди.  
Фестиваль натижалари  
эълон қилинди. Ғолиблар сафида  
бизникилар ҳам бор.

Канн кинофестивали:

Ўзбек «Чой»и  
энг яхшилар  
қаторида

Канн халқаро кинофестивали доирасидаги «ENTRE 2 Marches» қисқа метражли фильмлар фестивалида Ўзбекистонлик кинорежиссёр Шокир Холиқовнинг «Чой» фильми «Гран при»га сазовор бўлди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамда «Республика кинопрокат маркази» 72-халқаро Канн кинофестивали доирасида бўлиб ўтаётган «Marche du Film» кинобозорида ўз стендини очди ва унда 50 та турли жанрдаги — бадий, ҳужжатли ҳамда анимацион фильмларни дунё кино тадбиркорлари эътиборига тақдим этди. Қўшма кино лойиҳаларни амалга ошириш масаласида келишувларга эришилди.

Энди «Чой» ҳақида:

Режиссёр фильмини 26 дақиқадан ошмаган, француз тилидаги субтитри мавжуд, ногиронлар ҳақидаги фильмлар қабул қилинган танловга интернет орқали онлайн топширган. Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Ҳиндустон, Бразилия, Россия, АҚШ, Македония каби мамлакатларда бўлиб ўтган қисқа метражли фильмлар халқаро фестивалларида ҳам совриндорликни қўлга киритган «Чой» уч минг нафар томошабин йиғилган саройда намойиш этилган.

Этьироф этишимиз жоизки, кино дунёсидаги энг нуфузли кинофестивалнинг нуфузли соврини қўлга киритилгани Ўзбек киносига катта ҳодиса бўлди. Дарвоқе, «Канн-2019»нинг энг асосий соврини — «Олтин пальма» япроғи «Паразитлар» картинаси учун корейлик кинорежиссёр Пона Жун Хога топширилди. Албатта, у дунё кино олами учун янги ном. У биринчи марта ана шундай нуфузли мукофотни қўлга киритди.

Биз ҳам Ўзбек киноижодкорларига шундай ютуқларни тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз

## Қопқоқ остидаги «ҚОПҚОН»

ёхуд турли акциялар  
ва лотерея  
шоуларининг зарари

«Ishonch» газетасининг шу йил 25 май сонидан нашр этилган «Ҳаёт — қимор... эмас!» сарлавҳали мақолада долзарб мавзу кўтарилган. Дарҳақиқат, шу кезларда юртимизда турли акциялар ниҳоятда кўпайди: кишининг ичаётган сувидан тортиб, ҳордиқ даврида томоша қиладиган кўрсатувигача омадини синаб кўришга чорлайди. Телевидение эса иштиёқ оловига яна мой қўйиш билан машғул...

Аслида, тўсатдан бойиб кетиш орзуси қадимдан инсонларни вавсасага солиб келган. Катта хазинага эга чиқиш, сеҳрли чирокни топиб олиш ёки «ярим давлат»ни қўлга киритиш илинжидаги қаҳрамонликлар ҳақидаги афсоналар ҳам шу орзу сабаб пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Бугун бу истакдан одамларни янгича кўриниш, янгича усуллар-у қиёфаларда жалб этишда фойдаланишмоқда. Энг қизиғи, мўмайгина моддий бойлик орттириш илинжида ўйлаб топилаётган бу найрангларнинг тузоғига лаққа тушаётганларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

4»

Акс-садо



## Ижод аҳлига бетакрор тухфа

Зомин пурвиқор тоғлари, зил-лол чашмалари, жўшқин сойлари, бетакрор микро-иклим, мусаффо табиати билан иккинчи Швейцария номини олган. Бу ердаги бетакрор табиат манзарасининг ижодкорларга ўзгача илҳом бағишлаши сир эмас.



4»

**Зиёдулло КАМОЛОВ,**  
Фарғона шаҳридаги  
«Темурбеклар мактаби»  
обий академик лицейи  
директори

Шу билан биргаликда Президентимиз ташриф чоғида кўп йиллик меҳнат ва ҳаё



Саноатни, тадбиркорликни ривожлан-  
тириш орқали янги иш ўринлари ярати-  
лиши ёшларимиз, аёлларимиз, айниқса

**Манзурахон САЛИМОВА,**  
Халқ депутатлари Фарғона вилояти  
кенгаши депутати

**Хоразм  
вилояти**

Бу йил Хоразм вилоятида 37 та оромгоҳда 20 минг нафарга яқин ўқувчи ёшлар соғломлаштирилиши режалаштирилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан деярли икки қисса кўп демакдир.

Мавсумни кўнгилли ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

**Мўҳаббат Тўрабоева,**  
«ISHONCH»

Ортиқбой МАМУТОВ,  
«ISHONCH»



Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

Муҳаббат ТҶРАБОЕВА,  
«ISHONCH»

«1 Бу материалларнинг ҳар бирида одамларнинг орзу-истаклари, кўтарилган масалаларга ечим топилишига бўлган илҳомлари мужассам. Мухтасар айтганда, юрт раҳбари такрор-такрор, бот-бот даъват этаётганидек, биз халқнинг манфаатига хизмат қилмоқликка бел боғлаганимизнинг белгиси бу!

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларнинг тахририятга қилган мурожаатлари ҳам вақт ўтган сайин кўпаймоқда, бунда ўша мурожаатлар муаллифларининг наشريмизга бўлган ишончи ортаётгани ҳам бўй кўрсатиб турибди. Бироқ...

Биз бу борада мутасадди идораларнинг халқ тарафига бурила олмаётгани, бефарқлиги, лоқайдлиги, беписандлигидан афсусдамиз. Чунки аксарият ҳолларда муаммо ва камчиликларга бевосита масъул бўлган давлат идоралари Президент кўяётган бу талабларга панжа орасидан қарамоқдалар. Келинг, эътирозларимизни аниқлаштирамиз.

Газетанинг ўтган йил 7 июнь сонидида шаҳар ҳокимиятининг бундан уч-тўрт йил илгари Миробод туманидаги Матбуотчилар кўчасида жойлашган ер ости автотураргоҳи ўрнида кўп қаватли автотураргоҳи қурилиши борасида берган ваъдаси ҳақида сўз борган ва унинг ижроси ҳақида сўралган эди. Гап шундаки, ҳозирда илгари турли сабаблар билан ёпилган барча йўллар очилгани боис пойтахтнинг қоқ марказидаги ушбу ҳудуд автомобилларнинг доимий тирбанд жойига айланган. Ҳар ким ўз транспорт воситасини истган ерга қўйиб, «Пойтахт» савдо марказига кириб кетаверади, чунки машинасини кўярга жой тополмаган одамнинг бундан бошқа иложи йўқ. Биз кеча тушликка яқин суратчимиз муҳрлаган расмлардан бирини сизга илинмоқдамиз. Ахир, бу йўл ҳаракати ва инсонлар ҳаёти учун ўта хавфли-ку! **Шаҳар ҳокимлиги одамларнинг наздида фақат ва фақат тижорий лойиҳаларга эътиборчил бўлиб**

қолмаяптими? Транспорт воситалари сони йилдан-йилга ошиб бораётган бир даврда яқин йиллардан кейин бу ҳолат ўта жиддий муаммоларни келтириб чиқаришини англаш учун катта олим бўлиш шарт эмас. Шундай экан, нега бундан тўрт-беш йил олдин эълон қилинган кўп қаватли автотураргоҳлар қуриш лойиҳалари музлатиб қўйилгани ажабланарли, афсусланарли...

Биз бу саволга шаҳар ҳокимлигига хат юбориб (газетани илова қилган ҳолда) ҳам жавоб ололмадик. Афтидан, ҳоким ва унинг ёрдамчилари шаҳардаги муаммолар фақатгина хориждаги оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсагина «реакция» қилиш етарли деб ўйлашпти. Унда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўрсатишига ҳолат ҳам йўқ. Хўш, Тошкент шаҳар ҳокимлиги шунга иста-яптими?

Ҳа, шаҳар ҳокимлиги бу мурожаатга чора кўриш тугул бир энлик жавоб хати ёзишни ҳам эп кўрмади. Кейинги пайтларда шаҳар ҳокимиятидагилар яна бир усулдан кенг фойдаланмоқда — ҳоким ваколатига қирадиган муҳим ма-

сала бўйича йўлланган мурожаатчига унинг масаласи кўриб чиқиши учун куйи тизимдаги бўлинмага юборилгани ҳақидаги жавоб хатини жўнатмоқда. Жавобдан қочишнинг ўта ғарибона ва ўта эскирган, ишқмас усули!

Мисол учун айтадиган бўлсак, газетанинг шу йил 30 апрель сонидида чоп этилган «Хавотир ўринсизми ё...» сарлавҳали мурожаатда аҳолини хавотирга солиб қўйган «снос» маса-



## СУВГА ОТИЛГАН ТОШ

ёхуд эътиборсиз қолаётган мурожаатлар хусусида

гап бошқа «оҳанг» да эди. Ахир, давлат солиқларни 12 фоизга туширилган бир пайтда, тўлов тўлаган одамни 0,5 фоиз устама тўлашга мажбурлаш инсофданми, деган эътироз бор эди ўша мурожаатда.

Яна бир таассуфли савол: азар Марказий банк жамоатчилигининг эътирозига дахлдор масалани ҳар кимнинг ўз ихтиёрига ташлаб қўйса, унинг қайси функцияси қолади ўзи? Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Очиқ айтадиган бўлсак, ҳалигача ўта жиддий чиқишларнинг биронтасига бирон бир вазирлик ёки идорадан асосли, тушунарли ва қониқарли жавоб ололмадик!

Энди қани ўша журналистга эътироз қилаётганлар? Хўш, танқидий чиқиш-у мурожаатлар сувга отилган тошдек исиз кетаверса, бундай мақола-ю мулоҳазалар, тақлиф-у саволларни йўллаш, эълон қилишдан нима фойда? Умуман, матбуот ўзи керакми?

Биз бу борадаги аянчли ҳолат ҳақида бир неча бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатга ҳам мурожаат хати йўлладик. Афсуски, яна жимжитлик...

Биз ҳурматли сенаторларимизга мурожаат қиламиз: «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-га қонунни-нуфузли давлат органларининг ўзи бузишига сабаб нима? Уни ижро қилишдан бўйин тавламоқдалар, унинг ижросини назорат қилишни ўйламайпилар, унинг жамиятдаги жараёнлардаги аҳамияти ҳеч қимни қизиқтирмай қўйди... Ҳолбуки, ушбу қонун талабларини бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексига жазо чоралари белгиланган. Бироқ ушбу қонун талабларини бузган, уларга беписандлик билан қараётган бирор-бир мансабдор шахсга амалда жазо тайинланганими?..

**Иккинчи манзилга: «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририятига**

Сизнинг мурожаатингиздаги масала Шаҳарсозлик кодексининг 22-моддаси талабларига мувофиқ Архитектура ва қурилиш органлари томонидан кўриб чиқиши белгиланган...

Жавобларни ўқиб шундай хулоса қилиш мумкин: шаҳар ҳокимлигидагилар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-га қонуннинг 18-моддасида қайд этилган «Мурожаатларни кўриб чиқиш учун уни асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади» деган талабни ё билишмайди, ё амал қилишни хоҳлашмайди!


Дарҳақиқат, бу усул «юқумли» экан, шеклили, уни Марказий банк мутасаддилари ҳам «фаол» қўлламоқда. Йўқса, биз ишонган банклар тахририятнинг жисмоний шахслардан бир марталик ва бошқа тўловлар учун 0,5 фоиз миқдорида банк ҳақи ундираётгани ва пластик карталардаги фойдаланилмаган қолдиқ маблағга фоиз тўловлари тўлаб берилмаётгани тўғрисидаги мурожаатини банк хизматлари кўрсатиш учун хизмат ҳақини ундиришда тижорат банклар мустақил эканини иттифоқ қилган ҳолда тижорат банкларига юбориш билан чекланмаган бўлар эди. Ўша саволда

**Хуллас, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-га ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги тўғрисида»-га қонун талаблари бажарилмаяпти. Эҳтимол, ушбу қонунларни бузганлик учун жазо чораларини янада кучайтириш, бу борада қонунчиликка ўзгартришлар киритиш лозимдир?**

**Бу каби саволларга жавоб топилмас экан, матбуот ва оммавий ахборот воситалари истиқболи ҳақида гапириш мушкул. Қолаверса, ижтимоий бирдамликка эришмай туриб Президентимиз хоҳлаётган жамиятнинг барпо этилишига осон бўлиши учун матбуот ва ОАВга муносабат ўзгариши зарур. Ана шундагина жамият депрессиядан қутулиб, ривожланиш сари юз боради.**

Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими

Касаба уюшмаси аралашгач...



«Самарқандкимё» АЖда иш берувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатидан азият чеккан бир гуруҳ ходимлар давлат ва жамоат ташкилотларига мурожаат йўллаб, бузилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўрашди. Хўш, улар маъмуриятдан нега норози бўлмоқда? Ишлаб чиқариш эҳтиёжи баҳонасида 40 нафардан ортиқ кишининг тақдирини ҳал қилиб юбориш мумкинми? Қолаверса, ўрнатилган тартиблардан нега четлаб ўтилдиган?

Бундан қонунни билмасликка йўйиб бўлмайди. Чунки йирик корхонада ҳуқуқшунос ҳам, ходимлар бўлими мутахассиси ҳам бор. Лоақал касаба уюшма ташкилоти етакчиси фикрини олганда ҳам шов-шувли воқеа содир бўлмас эди.

— Айрим раҳбарлар жамоа шартномасига шунчаки бир расмийлик сифатида қарашга одатланишган, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Зухра Маматқулова. — «Самарқанд-

кимё» АЖда ҳам шундай ҳолатга дуч келдик. Корхона раҳбари мазкур ҳужжат билан таниш бўлмагани боис, ходимлар фаолияти би-

## РАҲБАРНИНГ АМРИ ВОЖИБМИ?

ёхуд ходимлар ҳуқуқига дахл қилишининг оқибати хусусида

лан боғлиқ қонунга мос келмаган буйруққа «кўзни чирт юмиб» имзо чекиб юборган.

Тан олиш керак, жамоани бошқараётган раҳбар, энг аввало, корхонани иқтисодий юксалтириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш пайида бўлади. Бунинг учун у ички имкониятлардан унумли фойдаланишни мақсад қилиши ҳам шубҳасиз. Шундоқ ҳам молиявий муаммолар бўҳронига қолган «Самарқандкимё»дек ташкилотда бу жараён бўлиши табиийдек. Аммо ҳаммаси қонун

доирасида, бу ерда ишляётганлар манфаатидан келиб чиқиб амалга оширилганида ортиқча бошқариқ бўлмасди.

Корхона раҳбари Жаҳонгир Ғофуров ходимлар бўлими бошлиғи Светлана Бреховага кўриқлаш бўлими қоровули вази-фасини оқлайди. Раҳбар сўзи ерда қолар-миди. Бир зумда, аниқроғи, жорий йилнинг

## РАҲБАРНИНГ АМРИ ВОЖИБМИ?

ёхуд ходимлар ҳуқуқига дахл қилишининг оқибати хусусида

25 апрель куни маъмуриятнинг 19 кишининг иш ўрни ўзгаришига асос бўлувчи 84-«К»-сонли буйруғи ҳамда 26 апрель куни эса яна 24 нафар ходимнинг иш ўринларида ўзгариш яъналишига сабаб бўладиган 87-«К»-сонли буйруғи қуча қиради.

Бу ҳолда ходимларда кескин норозилик уйғотгани табиий. Лоақал бир огиз сўралганда, мазмун-моҳияти тушунтирилганда кўпчилик рози бўлармиди? Аммо жамият

раҳбари ҳеч кимнинг кўнглига қараб ўтирмади. Унинг сўзи — сўз, амри — вожиб бўлди.

— Цехда ишлаш оғир, соғлигим кўтармайди. Ҳар кимнинг аҳоли ўзига аён, — дея тушунтириш беради қоровулик бўлима-сининг собиқ ходими Б. Муродуллоев. — Бошлиқнинг тазйиқидан сўнг 6 нафар ҳам-касбимиз билан ишдан кетиш тўғрисида ариза беришга мажбур бўлдик.

Бўлинма қоровулларидан бири З.Муродовнинг билдиришича, ноиложликдан цехда

## РАҲБАРНИНГ АМРИ ВОЖИБМИ?

ёхуд ходимлар ҳуқуқига дахл қилишининг оқибати хусусида

ишлаб ҳам кўришган. Аммо уларни иши устидан ўрнатилган кучли назорат, текшир-текширлар бездириб юборибди. Натижа эса маъмуриятнинг ноқонуний буйруғидан норози бўлиб 2 кун давомида ишга чиқмаган 12 кишига (прогул) белгиланиб, ойлик маошининг 10 фоизи миқдорида жарима жазоси тайинланишига олиб келади.

Мурожаат ўрганилганда, кўрсатилган ва-жлар тўлиқ ўз тасдиғини топди. Вилоят банд-

### Ҳикмат

Ҳар қандай тўсиқ қатъи-ят билан забт этилади.

ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ



Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch»

## Ижод аҳлига бетакрор тухфа

Навоий кон-металлургия комбинатининг машинасозлик заводи сўлим Зоминнинг ўрик-лисой қишлоғида янги даволаш-соғломлаштириш муассасаси барпо этди. Энг муҳими шундаки, 150 ўринли муассасанинг 100 ўрни корхона ишчилари, 50 ўрни шоир ва ёзувчилар учун мўлжалланган.

Санаторий биноси олти қаватли бўлиб, ундаги 1, 2 ва 3 кишилик ётоқхоналари барча қулайликка эга. Тоғ бағридаги арчзорлар қўнида жойлашган сихатгоҳнинг Буёк Британия, Германия, Хитой ҳамда Россия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, айниқса, даволанувчиларни хурсанд этади.

Мазкур сихатгоҳда дам олиш, саломатлиқни тиклаш учун барча зарур муолажалар мажмуи мужассам. Мутахассисларнинг айтишича, санаторий жойлашган ҳудуддаги арчзорларнинг эфир ёғларига ўйинган ҳавоси юздан ортиқ касал-

ликка, айниқса, юқори нафас йўллари, аллергия хасталиклар ва ўпка шомоллаши учун энг яхши табиий даво ҳисобланади. Даволаш бўлимида энг замонавий хорижий тиббий ускуналар ёрдамида физиотерапия, ингаляция, лазерли, электр, магнит, ичакларни чайиш, умуртқа поғонасини тўғрилаш муолажалари амалга оширилади. Фитобарда шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар билан даволаш йўлга қўйилган.

Шинам ва қулай ошхона, маданий тадбирларни ўтказиш учун клуб, болалар спорт майдончалари, ёзги амфитеатр ва 2,5 мингта китоб фондига эга кутубхона даволанувчиларга хизмат қилади.

Бу ер нафақат даволаш маскани, тез орада ўзбек адабиёти вакиллари учун ўзига хос ижодий муҳитга айланиши ҳам аниқ ҳақиқатдир. Шу маънода ушбу маскан она Ватан ишқидега ижод қилишга бел боғлаган ижод аҳлига бетакрор тухфа бўлди десак, адашмаймиз.

Ўз муҳбиримиз



## Кўҳна замин хазиналари

Маданият вазирлиги ташаббуси билан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги моддий маданий мерос объектлари ҳолатини ўрганиш ва уларни оммага кенг тарғиб қилиш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Катнашчилар даставвал Амударё туманида жойлашган Чилпик археологик объектида бўлишди. Обиданинг ўтмиши ва бугунги ҳолати билан танишишди. Туман мутасаддилари, маданият ҳамда ОФЙ ходимлари билан кўрғонга берилаётган эътибор борасида мулоқот ўтказилди. Шу куни Эллиқалъа туманидаги Тупроққалъа, Аязқалъа объектларини ҳам кўздан кечиришди.

Мамлакатимиз туристик салоҳиятини юксалтириш учун воҳада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган юмушларнинг кўпчилигини кўрдик, – дейди пресс-тур иштирокчиси Зафаржон Қосимов. – Меҳмонхоналар сони кўпайтирилиб, сервис хизмати сифатини яхшилаш керак. Тарихий обидаларга эътиборни кучайтириб, таъмирталаб



иншоотларда ишлар бошланса, ажойиб бўларди. Олис тарихимиздан садо берувчи ёдгорликлар ичида ночор аҳволга тушиб қолганлари ҳам талайгина экан.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг бугунги тадбирда иштирокидан кўп нарсани кутяпмиз, – дейди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекцияси раҳбари Қ.Шарипов. – Тарғибот ва ташвиқот кўлами кенгайса, сайёҳлар сони ортади. Туризмдан тушадиган маблағ кўпайса, тарихий қалъаларимизда таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш имконига эга бўламиз.

Юртимизнинг бой тарихидан сўзловчи

Танишув

асрий иншоотларнинг ҳолати қор-ёмғирлар таъсирида эътиборталаб аҳволга келиб қолган. Обидаларни таъмирлаш ва аввалги ҳолатига яқинлаштириш учун истеъдодли ва моҳир усталардан ташкил топган махсус дурадгорлар устaxonаси ташкил этиш зарур. Шундагина бобомерос тарихий шаҳарларимизнинг авлодларга эсон-омон етиб бориши учун замин тайёрлаш имкониятига эга бўламиз.

Кўпчилик давлатларда бўлиб, И.Са-вицкий номидаги Санъат музейидаги каби бой таассуротга эга бўлмаган эдим, – дейди «Дунё бўйлаб» телеканали муҳбири Э.Мира Тухатуллина. – Юз минглаб экспонатларга эга муассаса билан қанчалар ғурурлансак ўринли. Ўтмишимизни, тарихимизни кўз-кўз қилиш орқали ўзимизнинг кимлигимизни дунёга намойён этишга ҳақлимиз.

Журналистлар Мўйноқдаги «Орол кемалари» осмон ости мажмуаси, Экология музейи ва тумanning диққатга сазовор жойларида ҳам бўлишди.

Хоразм ва Қорақалпоғистон бўйлаб пресс-тур ўтказишдан мақсадимиз бой тарихимиз, маданий меросимизни халқимиз орасида кенг ва атироғлиқ тарғиб этишдан иборат, – дейди Маданият вазирлиги матбуот котиби Мавлуда Аскархўжаева. – Келгусида шундай тадбирларни кўплаб ташкил этиш ниятимиз бор. Шу йўл билан ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиб, халқимизни ноёб осори атиқаларимизни авлодлар учун асрашга ундаган бўламиз.

Хўжайли туманидаги Гаурқалъа археологик объекти, Миздахкан мажмуасидаги Мазлумхан сулув, Шамун Набий мақбаралари ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.



Оритқбой МАМУТОВ,  
«Ishonch»

## ҚОПҚОҚ СТИДИДАГИ «ҚОПҚОҚ»

ёхуд турли акциялар ва лотерея шоуларининг зарари

Бой бўлиш «СИРИ»

Кейинги пайтларда «SITRO», «TIZER», «WF» номли ичимликларнинг «мега акциялари» кекса-ю ёшнинг эътиборини ўзига тортиди. Рекламага айтилганидек, «тасаввур қилинг, 3000 сўмга бир ичимлик олиб ичасиз ва қараб-сизки, қимматбаҳо совғалар, ҳаттоки, автомобиль соҳиби бўлиб турибсиз». Ростдан ҳам, бир литр бензинга ҳам етмайдиган пулга машина ютиб олсангиз ёмонми?!

Шу боис боғча болалари, мактаб ўқувчилари-ю талабалардан тортиб ақли расо, туппа-тузук маълумотли кишиларгача қопқоқ йиғиш билан андармон. «Ўқий, иш нима бўлади?» дейишга шошилманг, чунки...

шошилининг, шоу бошланди

Осон бойликка интилиш иштиёқининг оммавий тарзда алангалашига телевидение катта ҳисса қўшмоқда. Биргина «Борига барака» капитал шуоиси одамлар фикр-у хаёлини шу қадар банд этдики, бошловчиларнинг ўринли-ўринсиз ҳазили, «охиригача ўйнайман» деб мағлۇб бўлганларнинг аҳволи кўплаб давралардаги гуруннинг бош мавзусига айланган. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёш-у қари «Zo'g TV» телеканалдаги «Борига барака» кўрсатуви ва шу каби бошқа шоуларда иштирок этиб, катта миқдордаги ютуқ соҳибига айланишни орзу қилади.

Бу шоу иштирокчисига айланиш учун дастлаб беш минг сўмлик электрон тўлов амалга оширилади. Қолгани омадга боғлиқ. Масаланинг бошқа

жиҳати ҳам бор. Кўз олдингизга келтиринг: ким-дур экранга умид билан термулиб турганида, ютуққа эга бўлиш илинжида тўлов шоҳобчалари олдида аримаётган миллионлаб одамлар «Зора, омад қулиб, кўрсатувга қақаришса-ю, бош совринини ютиб қолсам», деган хаёлда бўлади. Улар каби сиз тасодифий рақам танланаётганида энтиқиб турсангиз, кутиш онлари янаям гаштли ўстишига шубҳа йўқ.

– Телевидениеда шу каби шоулар, бемаъни, тутуриқсиз кўрсатувлар, қилиғи ҳам, қўшиғи ҳам тушунарсиз артистлар билан суҳбатлар соатлаб эфирга берилиши одатий ҳолга айланди, – дейди филология фанлари номзода Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Лекин бирор олим, билимли киши илмий-маърифий кўрсатувда қатнашаётганида фикр билдирмокчи бўлса, «камроқ гапиринг, қисқароқ бўлсин», деб талаб қўйишади. Бу қанчалик мантиққа тўғри келади?

ҚИМОР ЭМАСМИ?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати тез-тез ўйланадиган шу каби масалалардаги саволларга қуйидагича жавоб берган:

«Икки ёки ундан кўп томон пул тикиб, оқибатда бирининг фойдасига бўладиган ҳар бир ҳолат қимордир. Агар шу қоидага тушса, жоиз эмас. Турли ўйинлардаги ютқазган пулини тўлаш ҳам қимордир».

Кўриниб турибдики, одамларнинг пули ҳисобига ташкиллаштирилаётган ўйинлар ва ўтмай қолган «мақсулот»ларнинг сифатини яхшилаш ўрнига харидорбоплигини ошириш мақсадида ўйлаб топилган маркетинг ҳийлалари диний нуқтаи назардан номаъқул иш ҳисобланади.

БОҚИМАНДАЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

– Турли акциялар, лотерея шоуларнинг тарғиботи сабабли одамлар осон ва енгил даромад топиш ҳақида ўйлай бошлайди, – дейди «Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази» ННТ директори, психолог Дилфуза Шодиева. – Натижада уларнинг онгида боқимандалик психологияси шаклланади. Ин-

сон мияси икки ярим шардан иборат бўлиб, унинг ўнги ҳиссиётга жавоб беради. Фанда у дангасалик ва ялқовликка чорловчи мия қисми деб аталади. Уоштирилаётган лотерея шоу ва акциялари эса ушбу ярим шар фаолиятини тезлаштиради.

Турли ўйинларга муккасидадан кетган ота-она ёки телевидениеда «ютуқ ютдим» дея фахрланаётган «қаҳрамонлар» болалар онгида ҳам меҳнат қилмасдан бойлик орттириш ҳақидаги сароб орзулар пайдо бўлишига туртки беради. Хўш, психологик нуқтаи назардан бунинг олдини олиш мумкинми? Ҳа, албатта. Бунинг учун миянинг иккинчи ярим шарини чап томонни ишлатишга эътибор қаратиш зарур. Чап томон ақл-идрок ва меҳнатга жавоб беради. Чап ярим шар фаолиятини ошириш орқали ёшларнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларни адекват баҳолаши ва мақсадларини тўғри шакллантиришга эришиш мумкин.

МЕҲНАТ ШОУЛАРИ КЕРАК

Телевидение орқали намойиш этиладиган бундай акцияларнинг шакли ва йўналишини ўзгартириш, меҳнатга оид танлов ва шоуларни



ташкил этишга эътибор қаратиш ҳам ижобий самара бериши шубҳасиз. Масалан, ютуқли интеллектуал ўйинлар ҳам бола онгининг ўсишига яхши ёрдам беради.

Ёшлар ўртасида катта ютуқлар эвазига

меҳнат шоуларни ташкил этиш ҳам мумкин. Ҳозирда юртимизда пишиқчилик вақти. Масалан, фермер ва боғбонлар билан келишган ҳолда кўп мева терганга бирор ютуқ бериш мумкин. Бу пул тикиш ёки қопқоқ йиғишдан кўра фойдали машғулот. Қопқоқли ўйинлардан китоб, ўқувчилар учун канцелярия моллари сотиб олиш ваучерлари сифатида фойдаланиш ҳам самарали ҳисобланади.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида мутахассисларнинг маблағини фойдали ишларга сарфлаш, мақсадли йўналтириш бўйича тарғиботи кучайтириш керак.

ОСОН ТУРМУШ ВА ОМАДНИ КУТИБ...

Америкалик тилшунос, файласуф, жамоат арбоби Ноам Чомский оммани бошқариш тамойилларини санаб ўтар экан, фуқароларга замонавий фалсафий оқимлар, илгор илм-фан, психология, нейробиология ва кибернетика соҳасидаги муҳим маълумотларни олишга имкон берилмаслиги, бунинг ўрнига ахборот майдони спорт ва шоу-бизнес хабарлари, енгил-елпи материаллар билан тўлдирилишини алоҳида таъкидлайди.

Жанжаллар, «сариқ матбуот», шубҳали юмор ва популистик акциялар – буларнинг бари одамлар ўз онларини реал дунёнинг чексиз кенгликларига қадар кенгайтирмаслигининг олдини олиш учун хизмат қилади.

Бизни ҳеч ким илм-фан ва технология янгиланган чекламаслигини инобатга оладиган бўлсак, олди-қочди шоулар, чалғитувчи «акциялар» ни ўзимизга ўзимиз сотиб олаётганимиз маълум бўлади.

\*\*\*

Энг ачинарлиси, бундай «омадли ўйинлар» меҳнат қилмасдан бир зумда бойиб кетиш иштиёқида ёнаётган одамлар туфайли кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Улар китоб ўқиб «Spark» ютишдан кўра кимларнингдир даромадига даромад қўшиб, бемазароқ бўлса ҳам «ютуқли» ичимлик ичиб, қопқоқ тўплаш ёки ҳар ҳафта беш-ўн минг сўмлик тўловни тўлаб, омадни кутиш осонроқ тўлолади, шекилли...

Хуллас, гапирса гап кўп. Лекин осон бойлик орттириш илинжида омад ва мўъжизага бўлган кўр-кўрона ишонч кўпчиликни акциялар «курбони» га айлантирмаётганими? Бунга мутасаддилар қандай муносабат билдирар экан?



Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,  
«Ishonch»

## «Ishonch» кўзгусида

Навоий вилояти

## 500 жуфтлик – инновацион мактаб битирувчиси

Навоий вилояти «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази таркибида «Келин-куёвлар инновацион мактаби» ташкил қилинди. Яқинда 500 нафар ёш жуфтлик мазкур мактабда таҳсил олди. Уларга алоҳида сертификат берилди.

## Барчаси қамралмоқда

Навоий вилоятининг барча шаҳар ва туманларида «Оила» илмий-амалий тарғибот маркази ташаббуси билан жорий йилнинг дастлабки чорагида «Оила муқаддас», «Менинг оилам – менинг қуёшим», «Китоб олаими», «Бу менинг оилам», «Оилам – саодатим», «Биз бахтли оиламиз» сингари 468 марта тарғибот тадбирлари ташкил қилинди. Ушбу тадбирларда 21 минг нафардан ортиқ юрдошларимиз қатнашди.

## Олий маълумотли оилалар кўпаймоқда

Ўтган йили Навоий вилоятида ёш оилалар сони 82 минг 329 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 104 минг 215 тага етди. Қувонарлиси, шу оилаларнинг 60 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, улар орасида ажримлар миқдори жуда кам.

## Ишсиз аёллар анча?

Шу йилнинг январь-март ойларида Навоий вилоятида 7218 нафар ишсиз аёл расман рўйхатга олинди. Ундан сўнг орадан салкам 2 ой ўтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун ишсиз аёллар сони бундан ошган бўлиши мумкин. Дарвоқе, вилоятда хотин қизлар томонидан содир қилнган жиноятлар сони 3 ойда 42 тага етди.

## «Ярашгани» бирам ярашди

Жорий йилнинг ўтган 3 ойда Навоий вилоятида тегишли ташкилотларга 2 мингдан ортиқ оиладан никоҳдан ажралиш тўғрисида ариза тушган. Шундан 819 та оила яраштирилди. Бунинг самарали натижаси ўлароқ 1435 нафар гўдак тирик етимликдан асраб қолинди.

## Ажримлар таҳлили

Навоий вилоятида ўтган йилда юз берган оилавий ажримларнинг сабаблари таҳлил қилинди. Аниқланишича, 2276 та ажрашиш арасида турган оиланинг 1256 тасида келин-куёв ўзаро келиша олмаган. 381 оиланинг ажрашиш учун ариза ёзишига қайнона ва қайноталар сабабчи бўлган. 131 нафар бузилиш арасида турган оила фарзандсизлик оқибатида шундай қарорга келган. 94 нафар эр-хотин бир-бирига хиёнат қилган бўлса, 225 нафар оила бошлиқларининг ичкиликка ружу қўйгани ажрашишга олиб келган. 39 нафар оиланинг моддий таъминоти яхши бўлмаган ва улар ҳам ажрим тўғрисида ариза ёзишга мажбур бўлишган.



Нормурод МУСОМОВ,  
«Ishonch»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.



Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-йў.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Буёқ Тўрон кўчаси, 41-йў.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Iproteka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-25  
Наманган – (+998-99) 889-98-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55  
Сўрхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев  
Мусаҳҳиш:  
С. Шодиева

Саҳифаловчи:  
Х. Абдуқалилов

ЎЗА яқини – 23:05  
Топшириқди – 23:40

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буғролма Г – 517.

30112 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133  
1 2 3 4 5